

Қинғирлик
кўчасида
юрган қиз...



4-бет

Меҳнат
кодексини
бузган
раҳбар
жаримага
тортилди



6 бет

Газеталар
ўлмаган,
ҳеч қачон
ўлмайди...

7-бет

Дабдаба-
нинг дами
чиқмаслиги
учун
пандемия
керакмиди?

8-бет



ИНСОН ҚОНУН

9 июнь 2020 йил / № 18 (1222)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

НАЖОТТАЛАБ мактуб



АҲВОЛИМНИ ТУШУНСАЙДИЛАР...

1986 йИЛДАН 2011 йилгача II гуруҳ ногирони сифатида рўйхатда турганман. Сўнг менга ҳеч нарса тушунтирилмай ногиронлигим олиб ташланди.

Маҳаллада кам таъминланган оила сифатида рўйхатда турамыз. Яшаш шароитимиз оғир. Ёшим олтимшига яқинлашиб қолгани сабабли ёшга доир пенсиямни расмийлаштириш ҳаракатиданам. Туман пенсия жамғармасига ариза билан мурожаат қилдим. Жамғарма ходимлари ногиронлигим олиб ташлангани ва иш стажим етмаётганини айтиб, пенсияни расмийлаштиришни пайсалга солиб келмоқда. Шу масала ижобий ечим топишида ёрдам беришингизни сўрайман.

Баҳодир РИЗАЕВ,

Самарқанд вилоят, Каттакўрғон тумани



НАТИЖАНИ КУТАМИЗ

СУРХОНДАРЁ вилоятида яшовчи Рустам Яшикулов "Инсон ва қонун" газетаси таҳририятига ўнлаган шикоят хатида 2012-2014 йилларда Россия Федерациясида ишлаб топган 5 минг 760 АҚШ долларини Д.Сафаровага автомашина олиб бериши учун жўнатганини, бироқ у пулни қайтариб бераётганини маълум қилиб, етказилган зарарни ундириб бериш ва унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган. Ушбу мурожаат вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаро Р.Яшикуловнинг шу мазмунда муқаддам ёзган мурожаати юзасидан Шеробод туман ИИБ ҳузуридаги ТБ томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилиб, натижаси бўйича бирон-бир шахснинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланмагани сабабли, 2020 йил 8 мартда Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Шеробод туман прокуратураси томонидан мазкур қарорнинг қонунийлиги ўрганилиб, қарор шу йилнинг 11 мартда бекор қилинган ва терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказиш учун Ангор туман ИИБга юборилган.

У.ЮСУПОВ,

Сурхондарё вилояти прокурори ўринбосари

ЧИҚИНДИ ҲАМ ДАРОМАД МАНБАИГА АЙЛАНДИМИ?

ПАНДЕМИЯ инсонларни тозаликка ўргатди. Атмосфера ҳавоси муҳофазаси соҳасида ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти тўхтатилиши, парвозлар сони чеклангани, машиналар қатнови камайгани туфайли ҳавонинг ифлослини миқдори пасайди. Карантинда одамлардан ҳоли табиат эркин нафас олмақда. Олимларнинг фикрича, пандемия сабаб табиат "жонланаяпти", кўз кўриб, қулоқ эшитмаган табиат ҳодисалари юз бермоқда: Хитой, Аме-

рика ва Европада ҳаво тоза бўлди. Венециянинг лойқа каналлари ҳам тозаланди. "Хитой атмосферага энг кўп чиқинди чиқарадиган давлатлардан бири CO² унинг улиши 25 фоизга камайган". Атмосферага миллионлаб тонна чиқариладиган чиқиндилар тўхтади. Аввалгидек ишлаб чиқариш чиқиндилари кўп ҳосил бўлмапти.

Маълумотларга кўра, дунёнинг деярли барча мамлакатларида қаттиқ маиший чиқиндилар салмоғи

аҳоли жон бошига ҳар йили бир фоизга ортиб бормоқда. Ҳозирда дунё бўйича маиший чиқиндиларнинг ҳар йилги миқдори 400 миллион тоннани ташкил қилиб, шулардан 80 фоизи ҳар хил турдаги — мураккаб тизимлардан иборат бўлиб, оддий чиқиндихоналарда кўмиш билан зарарсизлантирилади. Кейинги йилларда дунёнинг айрим мамлакатларида "чиқинди бозори" ўз қулочини янада кенгроқ ёймоқда.

5-бет

Бу китоб билан ДУНЁ БИР ҚАДАМ...

ЛАЗИЗ Раҳматовнинг "Дунё мамлакатлари: Австралиядан Ҳиндистонгача" номли китоби нашрдан чиқди.

Ушбу китоб Сизнинг доимий ҳамроҳингизга айланиши шубҳасиз. Ундан кундалик ҳаётда ҳамisha фойдаланасиз.

Таъбир жоиз бўлса, мазкур тўпلام кўпчиликини қизиқтирган, доимий равишда керак бўладиган манбалар қомусидир.

Китобда дунё мамлакатларининг тарихи, аҳолиси, географик жойлашуви, табиати, ички ва ташқи сиёсати, иқтисодиёти, Ўзбекистон билан муносабатлари ва бошқа керакли маълумотлар берилган. Жами 238 мамлакат ҳақида энг сара ва сўнгги маълумотлар жамланган.

Китоб жавонингизни яна бир ажойиб хазина билан бойитасиз, деган умиддамыз.

Таҳририят



ЯНГИ
ФУҚАРОЛИК
КОДЕКСИ

2-бет

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- ✓ Энг сўнгги хабарлар
- ✓ Ҳуқуқий маълумотлар
- ✓ Таҳлилий мақолалар
- ✓ Мурожаатга жавоблар

буларнинг барчасини
ўзингиз кутган
сайтада кузатинг

@hudud24official



1 Фуқаролик кодексини янгилаш зарурати нимада?

Маълумки, халқаро ҳуқуқий ҳамжамият томонидан Фуқаролик кодексига энг муҳим кодекс ва "мамлакатнинг иқтисодий конституцияси" сифатида қаралади, унинг мукамаллиги хорижий инвестицияларни фаол жалб этишга бевосита таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Фуқаролик кодексини 1996 йилда қабул қилинган бўлиб, ўтган давр мобайнида катта ўзгаришларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда муҳим роль ўйнади ва бозор иқтисодиётини ривожланишига ҳуқуқий замин яратишга имкон берди.

Айни дам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, иқтисодиёт ривожланиб бормоқда. Шу муносабат билан, Президентимизнинг 2019 йил 5 апрелдаги Фармойишида амалдаги фуқаролик кодексининг мамлакатда тез ривожланаётган иқтисодий муносабатлар талабларига ва фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги халқаро стандартларга етарли даражада жавоб бера олмагани таъкидланган ва бир қатор муаммоли масалалар кўрсатилган.

2 Янги кодексда қандай янгиликлар бўлади?

Бугунги кунгача тайёрланган лойиҳа бир томондан Фуқаролик кодексига моддаларини унификация қилиш ва тизимлаштириш чораларини, иккинчи томондан тадбиркорлик, шу жумладан, хорижий инвесторлар фаолияти учун қулай шартлар яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор янгиликларни ўз ичига олган.

Хусусан, инвестиция муҳитини яхшилаш ва иқтисодиётда мулкий муносабатлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида хорижий компанияларга Ўзбекистонда ўз филиалини рўйхатдан ўтказиб, ҳеч қандай тусикларсиз тадбиркорлик (ҳўжалик) фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш, мулк хусусий ёки давлатга тегишли бўлишидан қатъи назар бир хил ҳуқуқий ҳимоя белгилаш, Давлат реестрига киритилган маълумотга ишониб мулкни сотиб олган мулкдордан, илгариги сўтувчи томондан қандайдир қонунбузилишга йўл қўйилган бўлса-да, мулкни қайтариб олинмаслиги ҳамда мулк ҳуқуқининг ҳимоясини таъминлашга қаратилган бошқа янги қоидаларни жорий этиш назарда тутилмоқда.

Ушбу янги қоидалар хорижий инвестициялар миқдори янада ошишига хизмат қилади. Сўнги йилларда хорижий инвестициялар миқдори ошишининг, хусусан, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард АҚШ долларига ёки 3,7 баробарга кўп хорижий инвестициялар жалб қилинганининг сабабларидан бири бу иқтисодиётни эркинлаштириш мақсадида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, дейиш мумкин.

Шунингдек, мулк ҳуқуқи кафолатларининг мустаҳкамлашии Жаҳон иқтисодий эркинлик индекси ва бошқа халқаро рейтингларга ҳам ижобий таъсир қилиши кутилмоқда.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

2019 йилда Жаҳон иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистон Инвестиция эркинлиги мезони бўйича — 100 балл олиб, 140-ўринни эгаллаган.

Яна бир янгилик бу фуқаролик қонун ҳужжатларини виртуал

3 Лойиҳани ишлаб чиқиш қандай ташкил қилинди?

Президентимизнинг 2019 йил 5 апрелдаги Фармойиши билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди.

Фуқаролик кодексининг янги тахририни тайёрлашда иш ҳажми катта бўлишини инобатга олиб, энг аввало, фуқаролик қонунчилигини соҳаларга бўлган ҳолда 8 та йўналишда ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Ишчи гуруҳлар таркибиде изла-ниш ва ўрганишлар ўтказиш учун 50 нафардан ортиқ илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходимлари ва ОТМлар профессор-ўқитувчилари, фуқаролик ҳуқуқи бўйича таниқли олимлар, тажрибали судьялар ва адвокатлар, давлат идоралари ҳамда ННТлар вакиллари жалб қилинди.

Ишчи гуруҳлар аъзолари мунтазам равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтида йигилиб ва масофадан туриб иш олиб бормоқдалар.



4 Хорижий тажрибадан фойдаланиш

Лойиҳани ишлаб чиқишда Германия, Франция, Польша, Россия, Покистон давлатларидан 20 нафардан ортиқ эксперт маслаҳатчилар хизматидан фойдаланилмоқда.

Тошкент шаҳрида ишчи гуруҳлар аъзолари ҳамда Германиянинг Бремен университети профессори Рольф Книпер, Германиянинг Бремен ери туман судининг собик судьяси, фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги халқаро эксперт Хайнрих Шнитгер, Польша фуқаролик ҳуқуқи бўйича эксперт, доцент Анджей Филипович, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқи бўйича таниқли ўзбек олимлари иштирокида халқаро давра суҳбатлари ўтказилди.

Бундан ташқари, 12 нафар миллий экспертлар бевосита Франция, Польша, Россия давлатларига бориб ўрганишлар ўтказдилар.

Сафарлар давомида Париж, Варшава, Москва шаҳарларида ушбу мамлакатларнинг фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги мутахассислари иштирокида давра суҳбатлари ташкиллаштирилиб, амалдаги фуқаролик қонунчилиги муаммолари, истиқболлари ва янги замонавий ғоялар атрофида муҳокама қилинди.

Москвага сафар давомида, шунингдек, Фуқаролик кодексининг янги тахририни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ аъзолари "Россия фуқаролик ҳуқуқи. Йил натижалари" IX Халқаро илмий-амалий конференциясида иштирок этиб, Ўзбекистонда фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш борасидаги ишлар ҳақида маълумот бердилар.

Янги

Фуқаролик кодексини:

Тадбиркорлар учун муҳим янгиликлар қутилмоқда



Аъзам МАДАМИНОВ,
 Адлия вазирлиги
 ҳузуридаги Ҳуқуқий
 сиёсат тадқиқот
 институти директори

5 Лойиҳа устида иш давом этади

Бугунги кунда дастлабки лойиҳа қўшимча фикр ва мулоҳазалар олиш мақсадида мамлакатимизнинг вазирлик ва идораларига, ҳуқуқий соҳадаги олий таълим, илмий-тадқиқот муассасаларига, адвокатлар ва нотариуслар палаталарига юборилган.

Демакки, лойиҳа ҳали аҳолидан, соҳа мутахассисларидан ва ташкилотлардан келиб тушадиган таклифлардан келиб чиқиб янада такомиллаштирилади.

Бундан ташқари, ҳозирда Фуқаролик кодексига киритилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб амалдаги бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида тегишли қонун ҳужжатлар лойиҳалари тайёрлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Ушбу жараёнда ўзгар-

бозор иқтисодиёти қоидаларига мос бўлмаган ташкилий-ҳуқуқий шакллардан воз кечиш;

— тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан ҳам амалга ошириш қонун ҳужжатлари билан назарда тутилиши мумкинлиги ҳақида қоида киритиш;

3) шартномавий муносабатларни эркинлаштириш ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш мақсадида:

— мамлакат иқтисодиёти ривожини учун муҳим аҳамият касб этиши мумкин бўлган янги шартнома турларини (туристик хизматлар қўрсатиш, дистрибуторлик шартномаси, агентлаш, эскроу, опцион ва бошқ.) муоамала қилиш;

— қарз, топширик ва бошқа бир қатор кенг тарқалган муносабатлар учун озаки шартнома тузилишига имкон бериш;

4) бой берилган фойда, маънавий зиёни ҳисоблаш мезонларини аниқ белгилаш;

5) сугурта муносабатларида миқдорлар ҳуқуқларининг ҳимоясини қўлайиштириш мақсадида сугурта ташкилотини зарарини қоплаш мажбуриятдан озод қилиш асосларини камайтириш, ўзаро сугурталаш (мулкни ва бошқа мулквий манфаатларни ўзаролик асосида сугурта қилиш) институтини ривожлантириш мақсадида ўзаро сугурта жамиятларига инвестиция резерв

тириладиган қонунларнинг ўзи 20 дан ортиқ бўлиб, қонуности ҳужжатлари сони эса бундан ҳам кўп.

Шунингдек, янги тахрирдаги Фуқаролик кодексига билан бевосита тартибга солинмаган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи алоҳида қонунлар ҳам тасдиқланган Концепция асосида такомиллаштириш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, интеллектуал мулк, қимматли қоғозлар соҳалари шулар жумласидандир.

Кўриниб турибдики, ҳали бу соҳада қилинадиган ишлар жуда кўп ва улар, албатта, охирига етказилади.

фондини тузиш, уставда белгиланган тартибда инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини бериш;

6) фуқаронинг тасвирдан (фотосурат, видеоёзув ва бошқ.) унинг розилигисиз фойдаланилганда, унинг шахсий ва оилавий ҳаёти тўғрисидаги ҳар қандай ахборот тарқатилганда фуқаронинг ҳимоясини таъминлаш усулларини белгилаш.

Албатта, бу янгиликлар, айниқса, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ўзгаришлар амалиётга босқичма-босқич жорий этиб борилиши лозим бўлади, чунки бу жараён фаолият олиб бораётган тадбиркорларга ноқулайликлар, харажатлар туғдирмаслиги керак. Масалан, тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсларнинг айрим ташкилий-ҳуқуқий шакллари бекор бўлиши ушбу шаклларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари дарҳол ўз шаклини ўзгартиради, дегани эмас. Янги тахрирдаги Фуқаролик кодексига қўйиб киргунича ташкил қилинган юридик шахслар ўз таъсисчилари кучайтириш мақсадида сугурта ташкилотини зарарини қоплаш мажбуриятдан озод қилиш асосларини камайтириш, ўзаро сугурталаш (мулкни ва бошқа мулквий манфаатларни ўзаролик асосида сугурта қилиш) институтини ривожлантириш мақсадида ўзаро сугурта жамиятларига инвестиция резерв

макон (интернет)да вужудга келадиган муносабатларга ҳам татбиқ этиш, электрон ёки бошқа техник воситалар ёрдамида тузилган битимларни ёзма шаклга тенглаштириш, электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда товарларни сотишнинг рақамли пул (криптовалюта) муомаласининг асосий қоидаларини белгилаётганидир. Бу янгиликлар тадбиркорлар учун фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда замонавий ахборот технологиялардан тўлиқ фойдаланган ҳолда вақтни тежаш ва бир қатор харажатлар, жумладан, ҳужжатлар айланмаси, меҳнат ресурслари, логистика, савдо ва сақлаш жойлари ижараси билан боғлиқ харажатларни камайтиришга имкон беради, электрон тижоратнинг янада ривожланишига туртки бўлади.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

Дунёда электрон тижоратнинг чакана савдодаги улуши ўртача 16 фоизни ташкил қилади ва ҳар йили ўсиб бормоқда.



Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуқий масалалар бўйича зарур тушунтиришлар ва маслаҳатларни "Мадад" ННТнинг www.advice.uz сайтидан олишингиз ёки саволларингизни телеграмдаги @Madadnnt_botга йўллашингиз мумкин.

"Фарзандим 1 ёш, ишга чиқиб бир ставкада ишласам бўладими?"

— МАКТАБДА ўқитувчи бўлиб ишлайман, фарзандим 1 ёшга тўлгани учун, ишга чиқмоқчиман. Лекин болам ёшлиги сабабли мактаб маъмурияти дарс соатини камроқ бермоқчи. Шу тўғрисида...

— Бир ставкада ишлашингиз мумкин, бу иш берувчининг қарорига боғлиқ.

Қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий томондан: Меҳнат кодексининг 234-моддасига мувофиқ, ҳомиладорлик ва туғуруқ таътили тугагандан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, бола 2 ёшга тўлгунга қадар парваришlash учун, ана шу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланган ҳолда таътил берилади.

Шунингдек, аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришlash учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Меҳнат кодексининг 234-моддаси, 5-қисмига кўра, болани парваришlash таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади.

Бундан ташқари, ходим шу давр мобайнида истаган пайтда ишга тушиши, таътилдан қайтиши мумкин, иш берувчи унинг иш ўрнига кимни ишга олган бўлишидан қатъи назар, аёлга иш жойини бўшатиб бериши шарт.

Чунки бу иш ўрни шу аёлга тегишли бўлган ва у билан ҳали меҳнат муносабатлари давом этиб келмоқда.

Демак, келтириб ўтилган нормалар мазмунидан хулоса қилса бўладики, аёл хоҳишига кўра, таътил берилишини сўраб мурожаат этиши, ўз қарорини ўзгартириши ва шу давр мобайнида исталган вақтда таътилдан умуман воз кечиш ишга чиқиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак, юқоридаги нормаларда аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланиши тўғрисида қандайдир белгиланган, бироқ унга берилган ставка миқдори тўғрисида талаб мавжуд эмас, яъни ҳомиладорликдан қайтган ходимга ўша лавозими қайтариллади.

Ўқитувчига неча соат дарс ажратиши эса тегишли фан методика бирлашмаси ва педагогика кенгаши тавсия ва хулосаси асосида мактаб маъмурияти ҳал қилади.

Саволга Мадад ННТнинг Чуст туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Шавкатжон ФОЗИЛОВ жавоб берди.

"Таътилда касал бўлдим, таътил кунларимни бошқа вақтга ўтказсам бўладими?"

— МЕН ҳозир меҳнат таътилидаман, аммо касаллигим сабабли кеча касалхонага ётишга мажбур бўлдим. Меҳнат таътилим ҳам беш кундан кейин тугаши керак. Меҳнат таътили вақтида касал бўлиб қолганлигим сабабли таътил кунларини бошқа вақтга кўчирсам бўладими?

— Меҳнат кодексининг 145-моддасига мувофиқ, ходимлар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга. Агар таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар таътил бошлангунга қадар келиб чиққан бўлса, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан таътилдан фойдаланишнинг янги муддати белгиланади. Бундай сабаблар таътил даврида келиб чиққан ҳолларда таътил тегишли кунлар сонига узайтирилади ёки ходим билан иш берувчининг келишувига биноан таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми бошқа муддатга кўчирилади.

Ходим таътилдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи сабаблар тўғрисида иш берувчини хабардор қилиши шарт.

Агар ходим белгиланган муддатда таътилнинг бошланиш вақти тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган бўлса, таътил ходимнинг аризасига мувофиқ бошқа вақтга кўчирилади.

Саволга Мадад ННТнинг Мўйноқ туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Нурья БЕРДИНИЯЗОВА жавоб берди.

Иш ҳақидан қандай ҳолатларда ушлаб қолиш мумкин?



— ХОДИМНИНГ розилигисиз иш ҳақидан қайси ҳолатларда ушлаб қолиниши мумкин?

Ходимнинг розилигисиз меҳнат ҳақидан қуйидаги ҳолларда ушлаб қолиниши мумкин:

- белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;
- суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро

этиш учун;

- олдиндан берилган мақсадли пуллар (масалан, хизмат сафарлари учун берилган ва ишлатилмай қолган аванс) бўйича ҳисоб-китоб қилиш ҳамда ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун;
- меҳнат таътили бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун;
- ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун;
- интизомий жазо тариқасида тайинланган жариমানни ундириш учун.

Иш ҳақидан ушлаб қолинанидиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тўланадиган иш ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим. Ушбу чеклов алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазо тайинланган ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолишга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай ҳолларда ушлаб қолинанидиган ҳақнинг миқдори етмиш фоиздан ортиб кетмаслиги лозим.

Саволга Мадад ННТнинг Янгиқўрғон туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Акрамжон УСМАНОВ жавоб берди.

Нотураржойни тураржойга ўзгартириш мумкинми?

— ФЕРМЕР хўжалигига тегишли бинони ўзимнинг номимга ўтказиб олган эдим, ҳозирги кунда ушбу бино нотураржой, деб расмийлаштирилган. Ушбу нотураржойда ўзим оилам билан яшаб келмоқдаман, шунинг учун нотурар жойни тураржойга ўтказишим мумкинми?



— Нотураржойни тураржойга ўтказиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган. Бунда Сиз давлат хизматлари маркази орқали тураржойни ўзгартириш ҳақида ариза берасиз. Аризангиз архитектурага юборилади ва ходимлар жойига чиқиб, жойлашган жойи, газ, электр таъминоти ва бошқа ҳолатларини кўриб, давлат хизматлари марказига хулоса юборади. Шундан сўнг хулосага қараб тўловларни тўлаб, тураржойни ўзгартириш ҳақидаги қарор чиқарилади ва янги кадастр ҳужжатлари олинади.

6 ёшдан ҳам мактабга борса бўладими?

— ФАРЗАНДИМ шу йилнинг 31 августидан 6 ёшга тўлади, ўқишга жуда қизиқади. Ҳамма ҳарфларни танийди, оз-моз ёзади, санашни билади. Қўриқни ҳам тенгдошларидан ажратиб туради. Шу ёшда мактабга берсам бўладими?

— "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган "Умумий ўрта таълим тўғрисида"ги низомга мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-синфига 6-7 ёшли болалар тиббий хулосага мувофиқ қабул қилинади.

Тегишли йилнинг 31 августига қадар 6,5 ёшга тўлмаган, 1-синфда ўқиш истагани билдирган болаларнинг ота-оналари билан мазкур умумий ўрта таълим муассасасининг педагог ходимлари ва психолог томонидан болани мактабда ўқиш учун жисмонан ва руҳан тайёрлаш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилади.

Талаба ўқитувчиларга карантинда ойлик тўланмаслиги ростми?

— МАКТАБДА ўқитувчи бўлиб ишлайман. Шу билан бирга педагогика институти 4-босқич талабасиман. Мактаб маъмурияти карантин вақтида талабаларга ойлик маош тўланмаслигини айтди. Бу қанчалик тўғри?

— Агар ходимнинг иш ҳажми ўзгармаса, иш ҳақи камайтирилмайди. Иш ҳақи амалда ишлаган вақт ёки бажарилган иш учун тўланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори меҳнат шартномасининг зарур шарт экани боис, умумий қоидага кўра, иш берувчи томонидан ходимнинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас.

Масофавий ишда ишловчи ходим иш вақтини ўз хоҳишига кўра тақсимлаши ҳисобга олинган ҳолда, у томонидан бажарилган ишлар учун бир баравар миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

Шунга кўра, мактаб маъмуриятининг ҳаракатлари қонунчиликка зид ҳисобланади, масофадан фаолият олиб бораётган ўқитувчиларга, шу жумладан, таълим билан иш фаолиятини бирга олиб бораётган ходимларга иш ҳақи белгиланган тартибда тўланиши лозим.

Саволларга Мадад ННТ Сирдарё туман ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси Уктам ЖАББОРОВ жавоб берди.

ҚИНФИРЛИК

ҚИНФИРЛИК КЎЧАСИДА ЮРГАН ҚИЗ...

ЖИНОЯТ содир этиб, панжара ортида ўтирган аёллар ҳақида эшитганимизда гоҳ аёл шаънига доғ туширганга ачинсак, гоҳ уларга маломат ёғдирамиз. Лекин ҳеч уйлаб кўрдикми, аёллар, айниқса, эндигина мустақил ҳаётга қадам қўйган ёш қизларнинг жиноят кўчасига кириб қолишларига сабаб нима? Бу саволга 19 ёшли Соҳиба Тўлаганова (исм-шарифлар ўзгартрилган) томонидан содир этилган жиноят тафсилоти билан танишгач, жавоб топгандек бўламиз. Дарвоқе, суд залида Соҳиба жиноят кўчасига киришга ота-онасининг бемехрлиги, оиладаги доимий жанжаллар туртки бўлганини иддао қилди.

■ ЧИЛЛАКИ ЧИЛЛАКИДАН РАНГ ОЛДИ

“Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур”, деган ҳикматли мақол Матлуба Расулваннинг муболағасиз кўчада қолган ёшгина қизга ёрдам тариқасида чўзилган қўлларига не чоғлик даҳли бор-йўқлиги бизга қоронғи. Лекин аёлнинг яшаш тарзи, ҳаётга қарашлари у билан бирга яшаётган Соҳибага таъсир қилмай қолмади.

Турмушдан ажрашган 32 ёшли аёл узоқ қишлоқдан келиб, азим Бухорода вақтини доимо хушчақчақ ўтказарди. Унинг ижара уйига “мехмон”лар келмаган кун деярли йўқ эди. Башанг кийинган эркаклар, қўша-қўша тилла тақинчоқ тақан дилкаш дугонанинг кўрмага мейхри ундан топгандек бўлар, тили ширин аёлнинг нияти бузуқ, йўли эгрелигини билишни истамас эди.

Соҳибага унинг тақлифи мойдек ёқди, бўлмаса-чи, ҳам қарзидан қутулади, ҳам қўлига мўмайгина пул тушади. Шундай қилиб, икки маккоро, устоз ва шогирднинг тили ва гаплари одатдагидек бир жойдан чиқди. Узаро келишилган режа ҳар иккисига ҳам маъқул бўлди.

Соҳибага унинг тақлифи мойдек ёқди, бўлмаса-чи, ҳам қарзидан қутулади, ҳам қўлига мўмайгина пул тушади. Шундай қилиб, икки маккоро, устоз ва шогирднинг тили ва гаплари одатдагидек бир жойдан чиқди. Узаро келишилган режа ҳар иккисига ҳам маъқул бўлди.

Соҳибага унинг тақлифи мойдек ёқди, бўлмаса-чи, ҳам қарзидан қутулади, ҳам қўлига мўмайгина пул тушади. Шундай қилиб, икки маккоро, устоз ва шогирднинг тили ва гаплари одатдагидек бир жойдан чиқди. Узаро келишилган режа ҳар иккисига ҳам маъқул бўлди.

Соҳибага унинг тақлифи мойдек ёқди, бўлмаса-чи, ҳам қарзидан қутулади, ҳам қўлига мўмайгина пул тушади. Шундай қилиб, икки маккоро, устоз ва шогирднинг тили ва гаплари одатдагидек бир жойдан чиқди. Узаро келишилган режа ҳар иккисига ҳам маъқул бўлди.

■ ОЛТИН ВАСВАСИ ИМОНДАН АЙИРДИ

Зарифа Матлубанинг уйдаги “гап”га одатига кўра, қўлларида қўш-қўш тилла узук, бўйнида бармоқдек йўғон занжир, хуллас қўрган кўзни қамаштириб тилла тақинчоқларга кўмилиб келди. Унинг қимматбахо зебу зийнатларига кимнингдир ҳаваси келди, кимларнингдир ҳасади. Айниқса, Матлуба ичидан зил кетса-да, сиртига чиқармай, дугонасига кучоғини очди.

— Яхши келдингми, Зарифа, кел, ичкарига кир. Ҳаммамиз сени кутиб ўтирибмиз. Сумканг-ни менга берақол дугонажон, бемалол ўтирасан.

У мехрибонлик билан Зарифанинг сумкасини қўлидан олиб, бир четга қўяр экан, Соҳибага киши билмас имлаб бўйди.

Матлуба анчадан бери дугонасининг тилла буюмларини қайси йўл биландир қўлга киритишни ўйлаб юрар, зимдан пайт пойларди. Аслида бугунги уюштирилган зиёфат устоз ва шогирд тузган жиноий режанинг бир қисми бўлиб, унга кўра, Матлуба Зарифани чағлтириб турдиган, Соҳиба эса ими-жимидан унинг сумкасидаги уй қалитидан нунска кўчириб олиши керак эди. Шундай бўлди ҳам.

Мехмондорчиликдан бир ҳафта ўтган, аникроғи, 2020 йил 13 февраль кuni Матлуба кутган фурдат келди. Тун яримдан ошгандан у ўзича оқ фотиҳа бериб Соҳибани йўлга кузатди. Қизгина Зарифанинг уйи олдида анча вақт мушқдек пусиб ўтирди. Соат тунги 03:00 да Соҳиба яшириниб ўтирган жойидан чиқди. Мўлжалдаги эшикни ўзи ясаган қалит билан очиб, секингина

ичкарига кирди. Ҳамма ширин уйкуда. У хонадон бекасига уй ишларида ёрдамлашиш учун лозим бўлган кунлари келиб кетиб юрарди. Шу сабабли нима қаерда туришини яхши биларди. Ургина қиз иккинчи қаватдаги ётоқхонага кирди. Жавондан 2600 АҚШ доллари, 1.900 000 сўм пул ва тилла тақинчоқлар солинган аёллар сумкасини олиб ташқари эшикка юрди. Биринчи қаватда осиглиқ турган баҳоси 1 500 000 минг сўмлик аёллар пальтосини елкасига илиб, жуфт-такни ростлади.

■ УСТОЗИГА ПАНД БЕРГАН ШОГИРД

Соҳиба қўлга киритган ўлжасининг салмоғи ўзи кутганидан анчагина оғирлигини билгач, шу ернинг ўзидаёқ уни устози билан бўлишиш фикридан қайтди. Матлуба ширин орзу-хаёллар билан тилла тақинчоқларни кутиб ўтирган пайтда, ўғри қиз машинада Самарқанд йўлида кетиб борарди. У манзилга етиб келгач, ҳайдовчига саҳийлик билан керагидан ортиқ пул тўлади. Бу ерда Дилдора исмли дугонасининг уйда икки кеча мехмон бўлди. Бир кўнгли уйига, сингиллари олдида боришни истади, лекин отасидан чўчидими, фикридан қайтди. Ёшгина қиз бунча пулни илгари ҳеч қўлига олмаган эди. Уғрилган АҚШ доллари Дилдорага “ишлаб толган пулим, йўқотиб қўйишдан қўрқаяпман. Сенда туриб турсин, икки-уч кунда олиб кетаман”, деб омонат топширди. Тилла тақинчоқлар ҳақида эса оғиз очмади. Сўнгра, бозорга бориб ўзига энг қиммат кийим-кечаклар ва қўл телефони сотиб олди. “Мана энди Тошкентга бориб маликалардек яшайман”, деб ўйлади. Сафар олдида Бухорода танишган Муродбек исмли йигитга телефон қилди. Суҳбат аввалида унга севишини таъкидлади сўнгра Тошкентга кетаётганлигини, уни ўша ерда кутишни, катта пули борлигини айтди. Сўзларнинг ростлигини исботлаш учун Зарифа опанинг уйига ўғирликка тушганини яшириб ўтирмади.

Мурод бироз иккиланган, рози бўлди. Улар Тошкент шаҳрида учрашишга келишишди. “Ўғрини қароқчи урибди”, деганларидек, Матлуба ўзи тарбиялаган шогирди, ўзини алдаб кетганини тушуниди. Лекин дардини ичига ютишга мажбур эди. Акс ҳолда, бу ўғирликка шериклиги, жиноятчини унинг ўзи бу ишга тортгани ошқор бўлишини яхши биларди. Зарифа Худойберганованинг уйда содир этилган ўғирлик юзасидан ИИБ ходимлари томонидан у ҳам гувоҳ сифатида сўроқ қилинди. М.Расуллова минг турланди,

Зарифага ҳамдardлик билдирди. Аммо, ҳақиқатни айтмади, оғизга маҳкам турса-да, кўзлари ниманидир яшираётганини ошқор қилиб турарди.

■ ЎҒРИ ҚИЗНИНГ САФАРИ ТОШКЕНТДА ҚАРИДИ

Тошкентга эсон-омон етиб келаолган бўлса-да, Соҳибанинг ҳали енгил тин олишига эрта эди. Ҳужжатсиз, таниш-билишсиз қаерга боради ва нима қилади? Лекин, буларни олдиндан ўйлаб қўйгани учун ортиқча ташвиш чекмади. Ахир, бойвучча қиз бекорга Муродга телефон қилиб, уни ёнига чақирмаган эди-да. Кейинчалик Муродни авраб-алдаб, Матлубанинг уйдаги паспортини олиб келишга кўндирмоқчи эди, аммо қизининг ширин хаёллари чиппака қикди. Мурод у йўлагандек анюй эмас экан, у ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига ўзи билан ва эшитган ҳолатлар юзасидан хабар берди.

Тошкент шаҳрида С.Тўлаганова ва келишилган жойда Муродни кутиб турганида ИИБ ходимлари томонидан ашёвий далиллар, тилла тақинчоқлар билан ушланди. Тергов давомида у жиноий қилмишларига иқдор бўлди. Суд жараёнида иштирок этган Соҳибанинг отаси қизи ёмон йўлга кириб кетганлиги, уни иснодга қўйганлиги ва бундай фарзанддан воз кечганлигини айтди. Судланувчи эса “агар уйимда тинчим бўлганида, ота-онам биз фарзандларига меҳр-мурувватли бўлганида, бундай ёмон йўлларга кирмас эдим”, дея афсус-надомат билдирди.

Қилмиш — кидирмиш, деганларидек, 2020 йил 6 март кuni бўлиб ўтган жиноят ишлари бўйича Бухоро туман суди ҳукми билан Соҳиба Тўлаганова тегишли жиноий жавобгарликка тортилди.

Хулоса ўрнида, қуйидаги ривоятни келтириб ўтишни жоиз топдик. Айтишларича, одил шох ҳузурига бир одам келиб ўғлининг бемехрлигидан, ўзига етарли эътибор қаратмаётганлигидан шикоят қилибди.

Подшоҳ дарров унинг фарзандини ёнига қақириб, танбех берибди. Шунда беқоибат ўғил дебдики: “Мен ҳеч қачон ота-онамдан меҳр-муҳаббат кўрмаганман, унинг қандайлигини билмайман ҳам. Болалигимдан ота-онам бошимга бир муштлаб бир бурдан нон берадди. Мен ҳам улардан нимаики олган бўлсам, шуни қайтараяпман”.

Нозимжон ЖўРАЕВ,
жиноят турлари бўйича
Бухоро туман суди раиси,
Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири

ШЕРАЛИ ТҮЙЕВ 2015 йил 1 майдан бошлаб Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиалининг суд-биология эксперти сифатида ўриндошлик асосида фаолият кўрсатган ва меҳнат шартномасига киритилган қўшимчаларга мувофиқ, жорий йилнинг 4 январь кунидан 1,0 ҳисса ишга ўтказилган.

Меҳнат кодексини бузган раҳбар жаримага тортилди

Бироқ Ш.Тўйевнинг 2020 йил 7-10 январь кунлари сабабсиз ишга келмаганлиги асос қилиниб, Меҳнат кодексининг 100-моддасига асосан у билан тузилган меҳнат шартномаси 2020 йилнинг 7 январдан бекор қилинган.

Мазкур ҳолатда, меҳнат шартномасини бекор қилиш юзасидан белгиланган тартибда касабга уюшмасига мурожаат қилиниб, кўмитанинг 2020 йил 28 январдаги йиғилишида ушбу масала кўриб чиқилиб, меҳнат шартномасини маъмурият ташаббуси билан бекор қилишга розилик берилган, бироқ иш берувчи томонидан тегишли буйруқни расмийлаштиришда қонунбузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Хусусан, ишдан бўшатишга асос бўлиб хизмат қиладиган касабга уюшмасининг розилиги

2020 йил 28 январда тақдим қилинган бўлиб, меҳнат шартномаси ҳам шу ҳужжатга асосан жорий йилнинг 28 январда бекор қилиниши лозимлигига қарамасдан, шартнома ғайриқонуний равишда 2020 йил 7 январь санаси билан бекор қилинган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 101-моддасида "Башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касабга уюшмасига кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб, шартномани бекор қилишга йўл қўйилмайди", дейилган.

Қолаверса, Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиали бошлиги томонидан ходим Ш.Тўйев билан ўрталаридаги меҳнат шартномаси бекор қилин-

ган санада, яъни 2020 йил 7 январда касабга уюшмаси кўмитасининг бу хусусда тегишли розилиги мавжуд эмас, демак ушбу ҳолатда филиалнинг 2020 йил 28 январдаги буйруғи бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилиши шарт.

Ушбу қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида Бухоро шаҳар адлия бўлими томонидан Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Бухоро филиали бошлиги номига киритилган тақдимномага асосан филиалнинг 2020 йил 28 январдаги буйруғи бекор қилинди.

Ходимини шомша шошарлик билан ишдан бўшатиб, қонунбузилишига йўл қўйган марказнинг Бухоро филиали бошлиги вазифасини бажарган Ф.Турсунов маъмурий жазога тортилиб, жарима тўлашга мажбур бўлди.

Абдурахимхўжа БАФАЕВ,
Бухоро шаҳар адлия бўлими бошлиги

АДЛИЯ ОДАМЛАР ОРАСИДА

Миробод БТПЖ

14 йиллик иш стажини ҳисобламаган

2020 йилнинг 6 январь кунини фуқаро Р.Каипназарова туман адлия бўлимига мурожаат қилиб,

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Миробод туман бўлими ходимларидан норозилигини билдирди. У мазкур жамғарма томонидан 2019 йил 26 июнда чиқарилган 41/2-сон қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида судга шикоят ариза киритиб бериш ва шу орқали ўзининг 1984 йил 5 октябрдан 2003 йил 29 сентябргача ишлаган даврларини умумий меҳнат стажига қўшишда амалий ёрдам беришни сўради.

Туман адлия бўлими томонидан фуқаро Р.Каипназарова манфаатида Миробод туман маъмурий судига шикоят ариза киритилди. Маълум бўлишича, БТПЖ томонидан Каипназарованинг 14 йиллик ишлаган даври умуман ҳисобга олинмаган. Судда ариза қаноатлантирилди ва фуқаронинг 14 йилу 7 ой ишлаган даври умумий стажига қўшиб ҳисоблаб берилди.

Ирода ХАЙРУЛЛАЕВА,
Миробод туман адлия бўлими масъул ходими

Сергелида ўлим гувоҳномасини ўзгартириш рад этилди: ФХДЁ бўлими қонунлардан беҳабарми?

ФУҚАРО Баҳром Зоҳидов раҳматли бобоси Махамедалин Захидовнинг исми хато ёзилгани сабабли ундан мерос қолган Сергели туманидаги уйни расмийлаштира олмади. Сергели туман ФХДЁ бўлими ҳам мазкур муаммони ечишда ёрдам бермаган.

Хуллас, ариза муаллифи Б.Зоҳидовга 1994 йил 4 июлда вафот этган бобоси М.Захидовнинг ўлим ҳақидаги гувоҳномасида йўл қўйилган хатони тузатишга, яъни "Захидов Мухамедалин" ёзувини "Захидов Махамедалин" сўзига мувофиқлаштириш бўйича амалий ёрдам бериш керак.

Ҳақиқатан ҳам, марҳум Махамедалин Захидовнинг ягона ҳужжати 1954 йил 4 февралдаги никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномасида "Захидов Махамедалин" деб ёзилганлиги, бироқ 2002 йил 21 августдаги ўлим ҳақидаги гувоҳномасида "Захидов Мухамедалин" ёзуви нотўғри киритилганлиги аниқланди.

Оила кодексининг 228-моддаси, 1-2-бандларига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари" 148-бандига асосан, фуқаролик ҳолати далолатно-

ма ёзувларига ўзгартиришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритиш етарли асослар мавжуд бўлганда ва манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлмаганда, ушбу далолатнома ёзувлари сақланаётган жойдаги ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади.

Қонунчилигимизда ўн олти ёшга тўлган шахсларнинг туғилиши, никоҳ тузиши, никоҳдан ажрalliшни қайд этиш дафтарларига ўзгаришлар киритиш уларнинг аризаларига асосан амалга оширилиши белгиланган бўлишига қарамасдан, Сергели туман ФХДЁ бўлими қонунчиликда ФХДЁ бўлими томонидан ўлим ҳақида далолатнома ёзувига ўзгартириш киритиш кўрсатилмаган, деган баҳонада аризани рад этган.

Маъмурий ишлар бўйича Сергели туман судига берилган ариза орқали туман ФХДЁ бўлимига ўлим ҳақидаги гувоҳномада нотўғри ёзилган "Захидов Мухамедалин" ёзувини, 1954 йил 4 февралдаги никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномасида кўрсатилган "Захидов Махамедалин" сўзига мувофиқлаштириш мажбурияти юклатилиб, муаммо ижобий ҳал этилди.

Рустам АБУЛХАЙРОВ,
Сергели туман адлия бўлими бошлиги

Судсиз ҳал бўлмади

ЖОМБОЙ туман адлия бўлими томонидан тумандаги "Жомбой-Агросервис МТП" масъулияти чекланган жамияти фаолиятида Меҳнат кодексининг 161-моддаси талабларига риоя этилиши ҳолати мониторинг асосида ўрганилди.

Ўтказилган мониторинг натижасида, "Жомбой-Агросервис МТП" масъулияти чекланган жамияти томонидан 13 нафар ишчи-ҳодимга ҳисобланган жами 52 604 124 сўм иш ҳақи ўз муддатда тўланмаганлиги аниқланди.

Туман адлия бўлими томонидан "Жомбой-Агросервис МТП" МЧЖнинг 13 нафар ишчи-ҳодими манфаати кўзланиб, фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судига ариза киритилди. Суднинг 2020 йил 15 майдаги буйруғига асосан 13 нафар ишчи-ҳодимга ҳисобланган, лекин тўлаб берилмаган жами 52 604 124 сўм иш ҳақи тўланди.

Абдугани ИСРОИЛОВ,
Жомбой туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

"ЎЗПАРТАЪМИНОТ" МЧЖ ходимлари нега норози?

ФУҚАРО У.А. "Ўзпартаъминот" масъулияти чекланган жамиятидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириб беришни сўраб, Қоровулбозор туман адлия бўлимига мурожаат қилган.



Адлия ходимлари томонидан мазкур мурожаат батафсил ўрганилганда, "Ўзпартаъминот" МЧЖнинг ҳақиқатан ҳам мурожаат муаллифидан 5 миллион 687 минг сўм миқдордаги иш ҳақи қарздорлиги мавжудлиги, шунингдек, ташкилотнинг яна 33 нафар ишчи-ҳодимидан жами ҳисобланган 113 миллион 626 минг 388 сўм иш ҳақи тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

"Ўзпартаъминот" МЧЖнинг 34 нафар ишчи-ҳодими манфаатларини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро судига даъво аризалари киритилди ва кўрсатилган ҳолатлар бўйича 34 нафар ишчи-ҳодимга иш ҳақи тўлаб бериш бўйича суд қарори чиқди.

Миросад ПҮЛОТОВ,
Қоровулбозор туман адлия бўлими бошлиги

20 миллионлик иш ҳақи тўланди

ҚАШҚАДАРЁ вилоят "Тоza худуд" ДУК Қарши туман филиалида ишловчи ходимлар Ш.Пармонова ва бошқалар корхона томонидан ойлик иш ҳақлари тўлик берилмаётганлигидан норози бўлиб адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Қашқадарё вилоят "Тоza худуд" давлат унитар корхонасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар сабаб тақдимнома киритилди ва Қашқадарё вилоят "Тоza худуд" ДУК Қарши туман филиалида ишловчи ходимларга жами 20 611 858 сўмлик иш ҳақи тўлаб берилди.

Сардор РАҲИМОВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси

ГАЗЕТАЛАР ЎЛМАГАН,

РИВОЖЛАНГАН давлатларда манаман, деган амалдорлар ҳар куни тонгги газетани ўқиш билан нонушта қилишларини кўп эшитганмиз. Бу, албатта, ўзи яшаётган давлатнинг янгиликларидан хабардор бўлиш билан бирга, ўзига хос ҳурмат, маданият ва маърифатдан ҳам далолатдир. Бизда эса ўзи ўқимагани етмаганидек, газетга мажбурий обуна мумкин эмас, деб ўзи севган нашрга обуна бўлган ходимларини ишдан бўшатган амалдорлар ҳам бор.

ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЛМАЙДИ...

Тўғри, одамлар ҳозир матбуотдан, газета-журналлардан кўра кўпроқ, турли интернет тармоқларига тобе бўлиб, унинг чангалига тушиб қолди. Тафаккуримизни ўтмаслаштираётган ана шу интернет ёлгонлари матбуотдан кўпчиликни узоклаштирмоқда.

Мафкура майдонига қадам босишга қудрати, билими, савияси етмаётган айрим раҳбарлар мажбурий обуна, деган иборага ёпишиб олишди. Газета ва журналларга обуна қилмаслик учун бор "хунар"ларини ишга солган кўп амалдорлар республикамизда чоп этилаётган баъзи нашрларни ўқиш у ёқда турсин, ҳатто номини ҳам билмайдиган даражага етди.

Газета ўқимасак, журнал ўқимасак, китоб ўқимасак, телевизор кўриш ва интернет "ковлаш" билан "ойни забт этмоқчи" бўлаётганлигимиз кулгили эмасми?

Тўғри, бугун ахборот асрида яшаймиз, ахборот технологияларидан фойдаланиб бутун олам бизники, деб жар солаймиз. Аммо тараққиётнинг бу қадр илгариллаши сўзининг қадрини туширмаслиги, ерга урмаслиги керак.

Бундан ташқари, ахборот технологияларининг тараққий этиши манаман, деган ривожланган давлатларда босма оммавий ахборот воситаларига бўлган талаб ва эҳтиёжга заррача пугур етказмаганидан хабардоримиз. Америкадек қудратли давлат, Хитой деган ахборот коммуникация технологиялари ишлаб чиқариш ва қўллашда бутун дунё бозорини эгаллаган мамлакат,

Германия, Франция, Англия ёки бошқа йирик давлатларнинг машхур газеталари ҳамон яшаётганлиги ва оламшумул нусхада чоп этилаётганлигидан хабардоримсиз?

Босма оммавий ахборот воситалари нафақат ахборот тарқатувчи восита, балки маърифат тарқатувчи манба, тарбия ва мафкура қуроли эканлигини ҳам яна бир қарра эслатиб ўтмоқчимиз. Ва энг муҳими, газетанинг саводли саҳифалари саводсизликдан қутқаришга ёрдам беришини инкор этолмаймиз. Бу эса давлат, жамият ва миллат мафкурасига дахлдор муҳим масала эканлигини тан олиш керак.

Барчамиз "Табиат — бизнинг умумий уйимиз!", деган машхур иборани кўп ишлатамиз. Биз журналистлар эса газета — босма оммавий ахборот воситалари умумий уйимиз, қадрдон уйимиз, деган кўнгилга яқин иборани қадрлаган бўлардик. Республикаимизнинг қайси бурчада бўлишдан қатъи назар мамлакатимиз пойтахтида чиқаётган машхур газеталар бўладими ёки олис ҳудудларнинг туман ёхуд шаҳар газетаси бўладими, ловуллаб чўғдек бўлиб чиқиб турса, унинг саҳифаларидан дилимизга яқин сўзларни топсақ, кўнглимиз ташна бўлиб турган сарлавҳаси-ю, таскинли сўзлари билан дардимизга малҳам бўлиб турса, юрагимиз тўқинланганини аниқ, Чунки бу барчамизнинг юзимиз, кўзимиз.

Айниқса, газеталар ўрнини интернет эгаллади, деган иддаоларга қарши қурол бўлиб қўлимизда байроқ бўладиган бу нашрлар маърифат-парвар вужудларни титратиши аниқ. Кечагина бир-бирига гўёки рақобатчидек, ўзгача кўз билан қараган, бир-бирига тош отган нашрлар бугун бир-бирининг ютуғидан қувониши маънавият тантанаси, маърифат тантанаси, тафаккурнинг ва эзулиқнинг тозалигидан далолатдир. Чунки бирлашганлар ҳаммаша юксақ чўққиларни забт этишини англаш ҳам катта гап. Бугун "Янги Ўзбекистон", "Китоб дунёси", "Ишонч", "Хуррият" газеталарини ўқиб руҳимизни, маънавиятимизни, тафаккуримизни тинчлаштираётганимиз, миллатимиз гурурини, керак бўлса, бутун дунёга кўз-кўз қилаётганимиздан хурсандимиз.

"Бировга чоҳ қазсанг, ўзинг тушасан", деган мақолни яхши биламиз. Газеталарни ўлимга маҳкум қилмоқчи бўлганларнинг аксарияти матбуотни ва юқоридаги нақлни тушунмаслиги одамга жуда алам қилади.

Газета тарбия қуроли ҳамдир. Газеталар омма орасида саводчилик илдиз отишига хизмат қилади. Айрим ижтимоий тармоқлар каби саводсизликни тарғиб қилмайди. Ўзбек адабиёт тили меъёрларини сақлаб қолишда ҳам матбуотнинг ўрни катта.

Тўғри, газеталар ҳақида гап кетгудек бўлса, бизга кўп таъна қилишди: "Ҳақиқатни ёзсанлар, газеталаринини одамлар ўзи излаб топади-ку", дейишди. Тан оламиз, матбуотнинг макъени кўтарадиган энг катта мезон — ҳақиқат ва адолат! Ҳақиқат эса жуда аччиқ ва жуда қиммат! У кимгадир ёқса, кимгадир ёқмаслиги аниқ... Газета саҳифаларида танқидий материаллар кўпроқ ёритилса, газетанинг харидори кўп бўлади, деган таъналарни ҳам эшитаемиз.

Газеталарда ёритилган танқидий материал учун журналистни муҳокама қилиш, судга бериш ўрнига, қўлини осмонга узатса етадиган "қаҳрамон"лар муаммони тузатиш чораларини кўрсалар, қанийди.

Яқинда адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққуловнинг "Ҳақиқатнинг юки жуда оғир. Ҳақиқатни айтиш учун одамнинг кафани елкасида бўлиши керак!", деган ажойиб суҳбатини эшитиб, тан бердим. Дарҳақиқат, ҳақиқатнинг юки ҳам, бадалли ҳам оғирлигини тан оладиган бўлсак, ҳақиқат яловбардори бўлган газеталарнинг елкасида қанчалик оғир юк ва катта масъулият борлигини таъкидлашга ҳоҷат борми?!

Синовлардан ўтган неча-неча даврларда ҳам мафжуранинг тили, қўли ва оёғи матбуот эди... ва шундай бўлиб қолиши керак. Хуллас, матбуотга садақа эмас, МЕХР керак!

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Дунёдаги энг хавфли заводлар:

Улар қаерда жойлашган?

ТАБИАТНИНГ ифлосланиши дунёдаги энг долзарб муаммага айланиб қолди. Айниқса, одамлар шаффоф сув, тоза ҳаво ва фойдали озиқ-овқат ҳақида қайгурмай кўйди. Турли хилдаги sanoat корхоналари, заводлар атмосферага жиддий зарар етказиб, ҳалокат ёқасига олиб келмоқда.

ДЕРЖИНСК ШАҲРИ
РОССИЯ САНОАТ МАРКАЗИ

Держинск — Россиядаги кимё sanoatinинг муҳим марказларидан бири ҳисобланади. У ерда 1930-1998 йиллар орасида қарийб 300 минг тонна кимёвий чиқиндилар йўқ қилинган. Шу сабабли, кимёвий моддалар ерости сувларига тушиб, атмосферани ифлослантирди. Минтақада ўртача умр кўриш 47 йил, эркеклар учун — 42 ёш.



ЧЕРНОБИЛЬ АЭС — УКРАИНА

Чернобыль ҳалокати дунёдаги энг катта ядровий авариялардан бири ҳисобланади. 1986 йил 26 апрелга ўтар кечаси атом электр станциясида синов ишлари даҳшатли оқибатларга олиб келди. Бугунга қадар реактор атрофидаги 30 километрлик минтақа зарарли зона ҳисобланади. Чернобыль яқинида яшовчи кўпчилик аҳоли лейкокемия билан касалланган.



РИАЧУЕЛО ДАРЭСИ — АРГЕНТИНА

15 мингга яқин йирик sanoat корхоналари захарли чиқиндиларни Риачуело дарёсига ташламоқда. Аргентина дарёси бўйида жойлашган кимёвий заводлар ифлосланишининг учдан бир қисмига жавобгардир. Дарёнинг суви таркибида рух, кўроғошин, мис ва бошқа оғир металлларнинг миқдори ошиб кетган. У ерда истиқомат қилаётган маҳаллий аҳоли ичак ва нафас олиш касалликларидан азият чекади.

ХАЗАРИБАГ — БАНГЛАДЕШ

Хазарибаг — Бангладешдаги энг кўп заводлар жойлашган макон. Улар ҳалигача хомашёни қайта ишлашнинг эскирган ва самарасиз усулларидан фойдаланиб келмоқда. Ҳар куни заводдан Бангладеш пойтахти Дакка учун энг муҳим сув манбаи бўлган Бурган дарёсига 22 000 кубметрдан ортик захарли чиқиндилар оқизилди. Шунинг учун пойтахт аҳолисида тери касалликлари ва нафас олиш тизими билан боғлиқ муаммолар юқори даражада.

"Инсон ва қонун" муҳбири **Мадина ҲАМДАМОВА** таржимаси.

ИНСОҢ ҚОНУН
МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ
АДЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0081-рақам билан
рўйхатга олинган
ISSN 2020-7817
9772010781006

Бош муҳаррир
Қўчқор **НОРҚОБИЛ**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Тошқупов Аякб **Жўрабоевич**
Рабиев Шерзад **Мирхалилович**
Тожиев Фуқрат **Шомуродович**
Искандаров Ербек **Нурбекович**
Эргашева Дилфуза **Рустамовна**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Навбатчи
Маруза Ҳосилова
Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
"ИНСОҢ ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уюнда чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Тиражи — 5680
Буюртма — V-4181
Тошпириш вақти — 19:00
Тошпириш — 23:00

МАНЗИЛИМИЗ:
100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97
Обуна бўлими: 277-02-57
Баҳоysi келишилган нарҳда
1 2 3 4 5

